

ҲАЛИМА АҲМЕДОВА ИЖОДИДА БАДИИЙ ТАФАККУР ВА МЕТАФОРИК ОБРАЗЛАР УЙҒУНЛАШУВИ

Нафиса Махмудовна ИСАКУЛОВА

магистр

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Ҳалима Аҳмедованинг “Яшил” туркумига кирган баъзи шеърлари таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: метафора, ижод, образ, руҳият, талқин, бахт ва қалб.

ГАРМОНИЗАЦИЯ В ТВОРЧЕСТВЕ ХАЛИМЫ АХМЕДОВОЙ ХУДОЖЕСТВЕННОГО МЫШЛЕНИЯ И МЕТАФОРЧЕСКИХ ОБРАЗОВ

Нафиса Махмудовна ИСАКУЛОВА

магистр

Термезский государственный университет

Термез, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье анализируются некоторые стихи Халимы Ахмедовой, вошедшие в цикл “Зеленый”.

Ключевые слова: метафора, творчество, образ, душа, интерпретация, счастье и сердце.

Бугунги кунда замонавий шеърятимизда ижод қилаётган шоир ва шоиралар талайгина. Бу анчагина қувонарли ҳол, албатта. Айни шу даврда яратилаётган ижод намуналари бугунги кун ўқувчилари тафаккурида ҳаётни ва инсон феъл-атворини тушуниш тамойили сифатида пайдо бўлмоқда. Ҳозирги давр ўзбек шеърятида ўз йўлини танлаб олган шоира, чинакам табиат фарзанди Ҳалима Аҳмедованинг ижоди китобхонни ўзига жалб қилиб келмоқда. Шоира лирик қаҳрамони табиатини ёритишда ўзига хос йўлдан боради. Гўзал рамзлар, ташбеҳлар яратади. Унинг характери табиат ҳодисаларида ифода топади. Бу орқали ижодкор инсон ўзини англашида табиат билан ҳамоҳанглигини исботлайди. Шоира ўз қарашларини, ғояларини рамзлар тилида ифода этади. Балки шунинг учун ҳам ҳам унинг асарлари ўқувчилардан чуқур мушоҳада ва таҳлилни талаб қилади. Ҳалима Аҳмедова ижодида табиат метафораси билан боғлиқ бадиий тасвир ифода воситалари муҳим ўрин тутди. Унинг ижодида ранглар, майсалар, дарахтлар, фасллар,

шамол, дарё, осмон, қуёш каби бадиий образлардан кенг фойдаланилади. Айни яшил табиат билан боғлиқ метафорик образлар шоиранинг ташриф қоғозига айланиб улгурган. Дарҳақиқат, унинг ижодида табиат ва инсон тасвири биринчи планга чиқади. Шоира ижодида инсон ўй-кечинмалари, ҳис-туйғулари табиат билан боғланган ҳолда ифодаланади.

Ҳалима Аҳмедова шеърлари орқали унинг олам ва одам бир бутунлигини билишга интилишининг гувоҳи бўламиз. Унинг шеърларида лирик қаҳрамон кечинмалари табиат манзараларига кўчиши билан тасвир жонланади. Шеърларида ижтимоийлик ва фалсафийлик шахсийлик соясида қолиб кетгандек гўё. Фақат ижодкор ўз “Мени”ни табиат метафораси орқали тасвирлайди. Ҳолбуки, ҳар бир шахсийликда ижтимоийлик бор аслида.

Боғларнинг юраги гуллаган

Булутлар бахтиёр қуш мисол –

Учади,

Қаноти ичидан

Заминга ризқу рўз сочади шамол.

Шоира ҳақиқатда табиат фарзанди. “Боғларнинг юраги гуллаган” истиораси лирик қаҳрамон қалбини тасвирлайди. Инсон борки, табиатни севади ва ундан ўзгача завқ олади. Қалби, руҳи ҳамиша баҳорни соғиниб яшайди. Умр деб аталмиш боғда ўзини бахтиёр гуллаган дарахтга менгзайди. Бу шеърда умр баҳори – ёшлик даври соғинчи ва айти шу давр ҳиссиётларини қоғозга туширади, табиат метафораси орқали жонлантиради. “Булутлар бахтиёр қуш мисол”. Келинг шу ўринда қуйидаги ўхшатишни таҳлил қилиб кўрайлик. Шоира қаҳрамони қалбидаги ҳисларни “бахтиёр қуш” метафораси орқали гўзал ва ҳаммага тушунарли тарзда ифода этяпти. Қаҳрамон қалбида сурур боғлар бағридаги дарахт мисоли гуллайди, булут каби беғубор осмон бағрида учади. “Қаноти ичидан Заминга ризқу рўз сочади шамол” ифодаси

орқали инсон қалби эркдан бахт топганда, ўзгаларга ҳам бахт улашишини юқоридаги мисралар билан гўзал тарзда тасвирлайди шоира.

Ариқлар лабида тизилган

Ялтизнинг хаёли ям-яшил.

Бодомнинг куртаси ичидан

Ишқ ичиб, маст бўлиб чиқар дил.

Юқоридаги мисраларда шоира лирик қаҳрамони ялпизга ўхшатиляпти. Унинг беғубор хаёли ишқдан маст гўёки. Шу мисралар орқали ёшликнинг қиёфасини яратади. Ахир инсон асл туйғуларни шу даврда ҳис қилади. Муҳаббатга эҳтиёж сезади, айнаи шу сезимни излайди. Хаёлий оламлар оғушида сайр қилиш орқали ўз қалбини излайди, ўз қалбини кўради ва англайди. ЭРКни ҳис қилади, чинакам руҳ ва қалб эркинлигини туйган инсон ўзини англайди. Айнаи шу ҳисларни сизга ҳам бегона эмаслигини таъкидлайди. Шоира ўз шеърида турли метафорик образлар орқали ёшлик фаслини жонлантиради.

Қорачиғда мағрур ҳилпирар

Шодликнинг шуларанг байроғи.

Қуёш орзусига тўлади,

Муаттар настарин қучоғи.

Хўш, шоира эркни излаётган эди, топибди. “Қорачиғда мағрур ҳилпирар Шодликнинг шуъла ранг байроғи” айнаи у излаётган эркдан, бахтдан дарак беради. Ҳақиқий бахт нимадалигини англаган шоира “Қуёш орзусига тўлади” истиораларида буни яққол ифодалайди. Энди унинг энг олий муҳаббатга интилаётганини сезасиз. Инсон борки, Яратганнинг марҳаматидан умидвор яшайди. Шоиранинг лирик қаҳрамони ҳам Тангрининг назаридан умидда.

Ой бахт туққан ойдин кечада

Булоқлари бўлади ҳофиз.

Хур бўласиз унинг олдида

Бир зумгина хаёл сурсангиз.

Бу мисралар орқали шоира нима демоқчи? Энди бироз енгил тортасиз. Шоира нима демоқчилигини англай бошлайсиз. Ўзингиз билмаган ва сезмаган ҳолда унга эргашасиз. Юқоридаги мисралар таҳлили эндиликда ёрқинроқ намоён бўлаётгандек. “Ой бахт тукқан ойдин кеча” каби образлар орқали шоиранинг мақсади ёшликдаги эрк ва беғубор олам орзуси билан биргаликда Оллоҳнинг муҳаббатидан умидворлик эканлигини англайсиз. Ҳақиқий таскинни излаётганига ишонасиз.

... Қаранг,

Ахир, яхшилаб қаранг,

Дунё кўзин қамаштирмоқда

Тўмариснинг тожидаги нур.

Келинг бир “таржима” қилишга уриниб кўрамиз. Шоира қаҳрамони бахтиёр қалби шу туйғуларга ошуфта эканлигини баралла айтяпти. Агар ишонмасангиз “Дунёни кўзига” қарасангиз “Тўмариснинг тожидаги нур” шоира лирик қаҳрамони қалбидаги муҳаббат ва бахтни кўрасиз демоқчи. Ҳар бир ижодкор ижодида қайсидир маънода унинг ўзи яшайди. Балки лирик қаҳрамон қалби ўзлиги билан танҳо қолганда юраги билан суҳбатлашар. Шунинг учун ҳам шоира “Юрагим шамолга ўйинчоқ” деяётгандир. Балки, руҳида кечаётган ғалаёнларни ифодалагандир:

Юрагим шамолга ўйинчоқ

Руҳимнинг кўйлаги йиртилган

Нозбўйлар кўзига қарайман

Кўзларим ненидир йитирган...

Яна бир шеърда унинг юрак оғриқларини ўз қалбингиздан ўтказасиз. Уни чуқурроқ англай бошлайсиз. Баъзан қалб кечинмалари, оғриқларини ҳис қилар экансиз, юрагингиз хувиллаб қолганда изтироблар шамолида ўзни заиф ва ночор сезасиз. Айни шу ҳисларни “Юрагим шамолга ўйинчоқ” тасвири билан ифодалайди. Барча умидлар сизни тарк этганини ҳис қилганингизда – умид либослари йиртилиб, ҳилвираб қолганда, яқинларингиздан илинж ва далда кутасиз, айни шу ҳисларни шоира “Нозбўйлар кўзи” метафораси орқали жонлантиради. Қалб кўзларингиз билан ниманидир кидирасиз. Лирик қаҳрамон қалбида ҳам айни шу тасвирларни кўрасиз бу шеърда. Гўё ўз муҳаббатидан айрилиб, уни излаганини ҳис қиласиз. Айни “шамол” туфайли унинг баҳори кузга айланади. Айрилиқ туфайли унинг руҳи сингани, ўзлиги олислаб, совий бошлаганини тушунтирмакчи бўлаётгандай. Аммо ҳаётга бўлган муҳаббатгина сўнгги илинж. Шу илинж туфайли “Юрагим шамолга ўйинчоқ” бўлсада, “Бахтиёрдир унинг кўз ёши”. Шеърдаги мана шу гўзал ўхшатишлар ва қарама-қаршилиқлар унинг жозибасини янада оширган.

Ҳасад инсонни, унинг қалбини ўлдиргувчи иллатдир. Бу иллат алами шоира қалбини ҳам четлаб ўтмаганини унинг куйидаги мисралари орқали кўриш мумкин:

Эй дўст, дидинг яқин ғаним дидига

Неча бор талатдинг изво итига.

Жуда ҳам беҳузур бўляпти кўнглим,

Сенда анқиётган ҳасад ҳидига.

Биргина шу тўртлик орқали шоира бир дунё ижтимоий маъноларни англатишга ҳаракат қилади, ўйлашга мажбур қилади. Дўст сенга сирдош, оғир кунларингизда елкадош, гўё иккинчи ярминг. Баъзан ишонганингиз шоира айтганидек ғаним бўлсачи? Уни дўст деб атайсизми ёки душман? Дўстинг сенинг бахтингдан қувонолмаса қалбингга ҳеч нарса сиғмаслигини ўз қалбидан ўтказган шоиранинг ҳолатини сезмасликнинг иложи йўқ. Дўстинг

хиёнатини бир неча бора кечирасиз, аммо энди бари аввалгидек бўлмаслигини билсангизда, ишонасиз. Аммо бу ишончлар ўлсачи? Унда нима бўлади? Шоира лирик қаҳрамони бу ҳолатни ўз бошидан ўтказади, қийналади яна ишонади. Сўнггида бунга чидолмаганлигини жуда гўзал тарзда англатади. Сохта дўстлардан кечади у, аммо душман деб ҳам атолмайди. Чунки бундай инсонлар душмандан ҳам хавфлидир. Улар ўзгалар билан бирга ўзларини ҳам заҳарлайдилар. Ҳасад юки қанчалар оғир, бу юк инсон елкаларини эгади, кўзларини хира торттиради.

“Бир куни соатни алдайман”. Соатни алдаш мумкинми? Балки, умр сонияларини назарда тутаётгандир? Аввалига илк мисраларини ўқир эканман шундай саволлар ёмғири қуйила бошлади. Инсон болалигида тез улғайишни орзу қилади. Улғайган сари баъзида вақтнинг бироз кутиб туришини хоҳлайди. Тескари ҳолат, шундайми? Шоира ҳам ҳаёт ташвишларидан чарчаганда, ташвишсиз бўлган ўша болалик, ёшлик чоғларига қайтишни хоҳлагандир.

Бир куни соатни алдайман,

Ботганча уфқнинг қонига,

Кетаман қайдадир йўқолган

Мажнуна кунларим ёнига.

Шамоллар исмимни билмайди,

Боқмайман баҳору кузига.

Нилуфар экаман тонггача

Осмоннинг ишқ тўла кўзига.

...Чарчадим қариган дунёдан,

Кўнглимни майсага сотаман.

Олмадай гарқ пишган ишқимни

Кўскимда овутиб ётаман...

Бу шеърда ҳам шоира метафорадан унумли фойдаланган. Унинг лирик қаҳрамони ёшликни, ундаги гўзал ҳисларни қумсайди. Шунинг учун ҳам у “соатни алдайман” деб, “мажнуна кунлар” ёнига кетмоқчи. “Шамол” тасвири инсон умрининг ташвишли кунларини ифодалайди. Қаҳрамон умр фаслларига эътибор бермай, ёшликнинг муҳаббат осмонига нилуфарлар эймоқчи. У чопқиллаб ўтаётган инсон умрини алдаб, 18 ёшдаги даврларга қайтмоқ истагини чиройли образлар орқали ифодалайди. Бу кўҳна оламнинг ташвишлари ҳеч тугамаган, бизгача ҳам бўлган, биздан кейин ҳам бўлади. Қаҳрамонимиз айна шу “эски ташвиш”лардан чарчаган. Кўнглини майсага сотиб, дардлардан халос бўлишни ва “Олмадай ғарқ пишган ишқини” “кўксида оутмоқчи”. Ўқувчи бу шеърни ўқир экан дастлаб кўз олдида ям-яшил боғ тасвири жонланади. Умр дақиқаларини изидан қувиб етиб, уни кенгликларда бахт билан чаймоқчи бўлади. Ёшликни омонат “яшил майса”га ўхшатади.

Ҳалима Аҳмедова ўзининг гўзал ва “тирик” шерлари орқали ўқувчини ром этади. Баъзан яшил боғларда сайр қиласиз. Баъзан тушунарсиз ҳислар қаршисида тек қотасиз. Маърузалар давомида устозимиз айтган “яшалган шеърлар” бўлганлиги учундир бу ҳолат. Буни қандай ифодалаш ва тушуниш мумкин? Шоира шеърларида совуққонлик ёки кўтаринки кайфият эмас, инсон қалбини англаш фалсафаси мужассам. Ўз кечинма ва ўйларини табиат билан боғлиқ метафоралар орқали ифодалайди. Қаҳрамон руҳий олами табиатга кўчади. Мана шундай шеърлардан яна бири:

Тун суянди юрагимнинг деворларига

Кўзларида ёнди ногоҳ мен англамас сир.

Қоп-қора деб панжасида қолган одамдай

Не учундир ўз жонимдан олдим хавотир.

Зулмат босган кенгликларда изғирди шамол

Ва сочарди чириётган олманинг бўйин.

Болалигин соғингандай телба хазонлар

Типирчилаб тупроқ билан ўйнарди ўйин...

Шеър – Аллоҳнинг инсон қалбига сингган ишқи. Илоҳий тухфа. Шоира қалбидаги ўзи ҳам англамаган қайғудан хавотирда. Унинг қандай қайғу эканлигини тўлиқ англолмаяпти. Шундан хавотири бор. Зулмат босган кенгликларда – ижтимоий ҳаётда шамол – чиркин ҳислар изғиб, чириётган олманинг бўйин – қалби ноқис инсонлардан дарак бермоқда. Шоира шу сабабли ўз қалбидан хавотир олади. Энди аввалгидай унинг ҳислари мавжланмаяпти, дарёдай ўз қирғоғидан тошмаяпти. Зеро бир вақтлар бу ҳислар шуълаланиб, Арш остонасини ўпишга шайланган эди. Энди негадир улар уйғона олмаяпти. Шоира шундан дилгир бўлмоқда. Ва яна кўнглида ишқни Яратган билдирмаса, ўзи бунга қодир эмас.

Барглар сипқоради осмон кўнглини,

Шафақ хаёлини бузар шаббода.

Булутнинг сояси тушган йўлларда

Ҳануз кетаяпман пойи пиёда.

Шамол куй басталар, дарахт куйлайди.

Тинглайман.

Тинглайман, бари ноладай.

Ҳовлиқиб тўрт томон аланглар қуёш,

Болалар уйидан қочган боладай.

Тизгинсиз бораман, изсиз бораман,

Олисда сароблар порлайди сим-сим.

Мен бахт ахтараман, бахтсиз дунёдан,

То ҳануз билмайман, излаганим ким?!

Ҳаёт қулогига хуш келавермас

Чарчаган, қариган, хиссиз овозим.

Жисмимга жуда ҳам, жуда тор келар

Маширабнинг охидан тиккан либосим.

На бир туш эдим ман,

На ҳақ хаёли,

Фақат қалбим эди ям-яшил дарё.

Тўрт томон қиблага менгзаёди бугун –

Бугун ўзим мажнун, ўзимман саҳро.

...Орзу соҳилида қачондир менга

Йиғладинг,

Жилмайдинг, нимадир дединг.

Узилиб тушаётган баргдек титрайман.

Наҳотки, наҳотки ўша сен эдинг?!

Шоира шеърларида ўзининг табиат билан боғлиқлигини бот-бот такрорлайди. Қаҳрамонимиз йўлдаги ҳолати ва тасвирини шамол, дарахт, булутга ўхшатишлари орқали ифодалайди. Ўқувчи хаёлини қаергадир йўл олган лирик қаҳрамон эгаллайди. Ҳар кунлик тасвирлар кўз олдида гавдаланади. Кимдир ишга кетаётиб, кимдир уйга қайтаётиб хаёлга чўмади, руҳан дарахтлар билан гаплашади, уларнинг куйини тинглайди. Улар ҳам баъзан нола қилади, базида шўх куйлайди. Ижодкор бу кўчимлар орқали айни дамдаги руҳий ҳолатини шеърга солади. Шамолнинг куйига қўшиқ басталаган дарахтлар дардини тингларкан, ўзиники билан бир бўлган дарддан саросимага тушади. Чунки бу ерда бахт ўз ўрнини йўқотиб қўйган етим бола мисоли.

Ижодкор қалби эса айна шу етимни излаб йўлга чиққан. Олисдаги ҳар бир сароб бахт бўлиб кўринади. Аммо у излаган бахт қайси бири? Билолмай жони ҳалак. Унинг нолалари шундоқ ҳам чарчаган ҳаётга маъқул эмас. Машраб билан дарддош, унинг дардларидан тиккан либоси ҳам ҳозир унинг руҳиятига торлик қилмоқда. Айна пайтда телба кўнгли “ям-яшил”, муҳаббатдан мажнун. Қалби ёруғ орзулар билан лиммо-лим дамларни кумсайди. Уларни юраги тубида жонлантиришни истайди.

Шоира туйғулари самимий, сохталиқ йўқ унда. Унда бахт бор, соғинч, дард, ҳижрон, табиат инжиқлиги, шукр ва ҳаётга бўлган муҳаббат бор. Ижодкорнинг образ қўллаш маҳоратини кузатар эканмиз, қаҳрамон табиати, руҳияти ойдинлаша боради. У баъзан инсонлар руҳиятидаги яхшиликдан, эзгуликдан севиниб, худбинлик каби иллатлардан дили оғрийди. Ҳозирги кундаги ҳисларидан ташвишланиб, кўнглида тобора хаифлашиб бораётган муҳаббатни уйғотишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам дилга яқиндир. Шу сабаб ўқувчини ўзига ром этади. Унинг шеърларини ўқир экансиз ям-яшил боғларда сайр қиласиз. Гўё табиат ва ўқувчи бир бутундек. Шоира рассом, унинг қалбида гуллар очилади, дарахтлар шовуллайди. У чизган суратлар тирик, улар нафас олади, яшил майсаларнинг қалби ҳам ўзларидек яшил.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аҳмедова Ҳ. Яшил. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 168 б.
2. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Академ нашр, 2018. – 480 б.
3. Ҳамдам, Улуғбек. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. – 196 б.